

**ЎзДЖТУ
хузуридаги
РИАИМ**

**Ўқув-услубий
мажмуа**

**Корейс тили
йўналиши
тингловчилари
учун**

**Ўқув-услубий
мажмуа**

2019

**Филология ва тилларни ўқитиш:
Корейс тили
Хорижий тилларни ўқитишда ахборот-
коммуникация технологиялари**

Модулнинг ўқув-услугий мажмуаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5 – сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчи:

ЎзДЖТУ проф,
филол.ф.д. Г.И .Халлиева

Такризчи:

ЎзДЖТУ доценти ,ф.ф.н.
С.Султонсаидова

Ўқув -услугий мажмуа ЎзРИАИМ Кенгашининг 2019 йил 27 сентябрдаги 9 - сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган

МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ДАСТУР	4-9
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	10-14
III.	НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	15-23
IV.	АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ	23-27
V	ГЛОССАРИЙ	27-35
VI.	КЕЙСЛАР БАНКИ	36-46
VII.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	47-48

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни жамият ривожини ва таълим–тарбия жараёнининг инновацион масалалари, олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик ҳужжатлари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шакллари қўллаш

бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Хорижий тилларни ўқитишда ахборот-коммуникация технологиялари” **модулининг мақсади** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларига шарқ тиллари бўйича электрон ахборот таълим ресурслари ҳақида маълумот бериш, маълумотларни излаш ва саралашни тушунтириш, бу борадаги билимларини такомиллаштиришдан иборат.

Модулнинг вазифалари: АКТ воситалари ва тил ўқитиш. Онлайн воситалар орқали тил кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш (Memrise, 24/7 Tutor Apps, Google Translate, FluentU, busu, babble, Lingvist, awabe, Lingdeer, LingQ, Hello talk ва бошқалар).

Компьютер орқали тил ўқитиш (Computer Assisted Language Learning: Cloze master, Lingualeo, Rosetta Stone, Duolingo. Интерактив мултимедиа воситаларидан фойдаланиш, интернет, телевизор, Интерактив доска ва бошқалардан фойдаланиш. Проектларга асосланган ўрганиш (Project based learning), Конструктив педагогика, дарсда технологияни сингдириш.

Электрон баҳолаш: Портфолио, саволнома, ва рубрикалар. Мулоқотни шакллантирувчи технологиялар. Электрон таълим материалларини яратиш, Электрон курс учун мултимедиа компонентларидан ва унинг iSpring қўшма-модули ёрдамида интерактив ўқув материаллар яратиш. Онлайн луғатлардан фойдаланиш (Worldlingo, Oxford, Wordreference, Proz, IATE, My memory).

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Хорижий тилларни ўқитишда ахборот-коммуникация технологиялари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- замонавий ахборот-коммуникация техникаси ва технологияларини билиши;
- интернет ресурслари ва улардан фойдаланишни;
- мультимедиали ҳужжатлар яратишга мўлжалланган дастурий воситалар билан ишлашни билиши керак;
- график ва видео редакторлар билан ишлашни билиши керак;
- ўқув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини, электрон ўқув материаллар базасининг тузилмаси ва таркибини амалиётда қўллай олиши;
- замонавий ахборот-коммуникация технологияларини амалиётда қўллаш қўникмалари **билимларга** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- мультимедиа воситаларидан фойдаланишни билиш;
- интернет ресурслари ва улардан фойдаланишни;
- мультимедиали ҳужжатлар яратишга мўлжалланган дастурий воситалар билан ишлашни;
- ўқув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини, электрон ўқув материаллар базасининг тузилмаси ва таркибини амалиётда қўллай олиши;
- видео, аудио, график, гиперматнли маълумотлар билан ишлаш;
- ўз касбий фаолият соҳаларида мультимедиа воситаларидан фойдаланиш;
- видео, аудио, график, гиперматнли маълумотлар билан ишлаш;
- мультимедиа технологияларидан фойдаланган ҳолда мультимедиали ўқув иловаларини ишлаб чиқишни билиш;

- муаллифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда электрон таълим ресурсларини яратиш каби мультимедиа технологияларидан фойдаланган ҳолда мультимедиали махсулотларни ишлаб чиқиш **кўникма ва малакаларини** эгаллаши лозим.

Тингловчи:

- мультимедиа воситаларидан фойдалана олиш;
- видео, аудио, график, гиперматнли маълумотлар ҳақида умумий билимларга эга бўлиш;
- мультимедиа технологияларидан фойдаланган ҳолда мультимедиали ўқув иловаларини ишлаб чиқишни билиш;
- муаллифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда электрон таълим ресурсларини ярата олиш **компетенцияларни** эгаллаши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Хорижий тилларни ўқитишда ахборот-коммуникация технологиялари” курси маъруза ва амалий машғулот шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Филологик таълимнинг электрон ахборот ресурслари”, “Инновацион таълим технологиялари”, “Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар.”, “Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда

педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар мультимедиа воситаларидан фойдаланишни, видео, аудио, график, гиперматнли маълумотлар билан ишлаш кўникмасига эга бўлиши, мультимедиа технологияларидан фойдаланган ҳолда мультимедиа махсулотларни ишлаб чиқа олиш каби касбий компетентликка эга бўладилар.

МОДУЛ БЎЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юклараси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юклараси			Мустақил таълим
			Жами	жумладан		
				Назарий	Амалий машғулот	
1.	Электрон – ахборот таълим ресурслари ҳақида тушунча	2	2	2	-	-
2.	Таълимий интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш	2	2	-	2	-
3	Шарқшунослик бўйича яратилган мультимедияли электрон нашрлар	2	2	-	2	-
	Жами	6	6	2	4	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-маву: Электрон ахборот таълим ресурслари ҳақида тушунча

Компьютер саводхонлиги маданиятнинг муҳим белгиси. Филологик таълимда замонавий ахборот ва коммуникация технологияларининг кенг жорий этилиши. Педагогик таълим жараёнларини замонавий ахборот технологиялари асосида самарали ташкил этиш. Электрон дарслик ва унинг

моҳияти. Аудио ва видео дарсликлар, онлайн дарслар, электрон кутубхоналар, тестлар, мультимедиали маърузалар. Интернетдаги электрон дарсликлар. Электрон дарсликлардан фойдаланишда профессор-ўқитувчиларнинг ўқув жараёнидаги ўрни ва роли.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Таълимий интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш

Интернет (Internet) бутун жаҳон компьютер тармоқлари мажмуи. Веб сайт – бирор бир соҳага, фаолиятга, воқеа ва ходисага бағишланган маълумотлар жамланган интернет саҳифа. Қидирув тизимлари, каталоглар. Ихтисослашган ва миллий ахборот-қидирув тизимлари. Таълимий интернет ресурслари. Ахборот таълим порталлари ва субдоменлар. Вебинарлар ва уларнинг аҳамияти.

2-мавзу: Шарқ филология бўйича яратилган мультимедиали электрон нашрлар.

Ахборот коммуникация технологиялари билан ўқув жараёнини тизимли интеграциялаш. Ўқув муассасаси учун яратилган сайтларнинг аҳамияти. Мультимедиали электрон дарслик ва ўқув қўлланмалари. www.ziyonet.uz, www.pedagog.tdpu.uz, multimediya.uz порталида мавжуд электрон дарсликлар ва улардан фойдаланиш тартиби.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- ноанъанавий ўқитиш (интерактив, конференция, дебат);
- давра суҳбатлари (муҳокама этилаётган муаммо ва унинг ечими бўйича мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли рақамлар тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган таркатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

“Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Бадий тил.	Адабий асарлар ёзиладиган тил	
Неологизм	Тилимизга чет тиллардан кириб келган янги сўзлар	
Махсус лексик қатламалар	Эскирган сўзлар, архаизмлар	
Вульгаризм	Қўпол сўзлар	
Жаргон	Маълум гуруҳларгагина тушунарли бўлган сўзлар	
Туш	Тушда асар сюжетини кўриши, яъни тушдаги воқеаларни асар сюжетига кўчирилиши	
Монолог	Қахрамоннинг ўз-ўзига қарата айтган нутқи	

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Муаллиф, ҳикоячи ва персонаж нутқини таҳлил қилинг ва ушбу жадвалга туширинг.

С	Эпик турнинг жанрларида муаллиф нутқидан фойдаланишнинг кучли томонлари	Бадий асарнинг ғоясига бевосита боғлиқ бўлган воқеаларнинг ҳикоя қилиниши
W	Кичик эпик тур жанрларида ҳикоячи нутқидан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	Қисқа эпизодларда иштирок этиши
О	Драматик асарларда персонаж нутқидан фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	Барча персонажларнинг ўз нутқи диалог ва монолог шаклида берилиши
Т	Тўсиқлар (ташқи)	Маълумотларнинг тўлақонли таъминланмаганлиги...

Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил

ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилят ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу

Тил шакллари					
Адабий тил		Бадиий тил		Халқ жонли тили	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда семинар машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Фикр: АДАБИЁТ - МИЛЛАТ ОЙНАСИ

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

Венн Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у учта ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини турли аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.


Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

НАМУНА: Сифат ва равиш: ўхшаш ва фарқли томонлар



III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Электрон ахборот таълим ресурслари ҳақида тушунча асосий принциплари.

Режа:

1.1. Компьютер саводхонлиги маданиятнинг муҳим белгиси.

1.2. Замонавий ахборот технологияларининг таълим жараёнига жорий этилиши.

1.3. Электрон ахборот таълим ресурсининг асосий ташкил этувчилари

1.4. Электрон дарслик ва унинг моҳияти.

Таянч сўзлар: инновация, замонавий ахборот воситалари, ахборот технологиялари, электрон дарслик, онлайн дарслар, интерфейс.

1.1. Компьютер саводхонлиги маданиятнинг муҳим белгиси

Технологиянинг ривожланиши билан техник воситалардан фойдаланиб ўқитиш учун биргина компьютернинг мавжудлиги кифоя бўлиб қолди. Авваллари телевизор, видео ва аудио технологиялари, видеопроектор, диапроектор ва бошқалар бажарган функцияларни компьютер муваффақият билан ўз зиммасига олди. Қолаверса, ахборотни узатиш, сақлаш, тасвирлаш сифати сезиларли даражада ортди.

Ҳозирги кунга келиб, компьютер саводхонлиги маданиятнинг муҳим белгисига айланиб улгурди, келажакда эса у ҳар бир инсонга қаерда, қайси участкада ишламасин заруратга айланади.

Замонавий ахборот технологияларининг *воситалари* қаторига: компьютер, сканер, видеокўз, видеокамера, ЛСД проектор, интерактив электрон доска, факс модем, телефон, электрон почта, мультимедиа воситалари, Интернет ва Интранет тармоқлари, мобиль алоқа тизимлари, маълумотлар омборини бошқариш тизимлари, сунъий интеллект тизимларини киритиш мумкин.



Ахборот технологияси воситалари муайян амалларни онгли ва режали амалга оширишда ўзлаштирилади. Бу жараён қуйидагиларни ўз ичига олади:

- компьютер, шунингдек, принтер, модем, микрофон ва овоз эшиттириш қурилмаси, сканер, рақамли видеокамера, мультимедиа проектори, чизиш планшети, муסיқали клавиатура кабилар ҳамда уларнинг дастурий таъминоти.

Ахборот технологиялари воситаларининг марказида турувчиси компьютердир. Ҳозирги кунда **компьютерлар** таълим тизимида асосан уч йўналишда:

- ўрганиш объекти сифатида;
- ўқитишнинг техник воситалари сифатида;
- таълимни бошқаришда;

1.2. Замонавий ахборот технологияларининг таълим жараёнларига жорий этилиши:

Таълим тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишларидан бири ахборот коммуникация технологиялари билан ўқув жараёнини тизимли

интеграциялаш ҳисобланади. Бунда ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмунини тубдан янгилаш, ахборот-коммуникация технологиялари муҳитида ўқитувчининг педагогик фаолияти ва талабанинг таълим олиш жараёнини ташкил этиш стратегик масала сифатида намоён бўлади.

Таълимда замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини кенг жорий этилиши:

- талабага касбий билимларни эгаллашига;
- ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш орқали фан соҳасини чуқур ўзлаштирилишига;
- ўқув фаолиятининг хилма-хил ташкил этилиши ҳисобига талабанинг мустақил фаолияти соҳасининг кенгайишига;
- интерактив мулоқот имкониятларининг жорий этилиши асосида ўқитиш жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаштиришга;
- сунъий интеллект тизими имкониятларидан фойдаланиш орқали талабанинг ўқув материалларини ўзлаштириш стратегиясини эгаллашига;
- ахборот жамияти аъзоси сифатида унда ахборот маданиятининг шаклланишига; ўрганилаётган жараён ва ҳодисаларни компьютер технологиялари воситасида тақдим этиш, талабаларда фан асосларига қизиқишни ва фаолликни оширишга олиб келиши билан муҳим аҳамият касб этади
- фан соҳаларини ахборотлаштиришни; ўқув фаолиятни интеллектуаллаштиришни; интеграция жараёнларини чуқурлаштиришни;
- таълим тизими инфратузилмаси ва уни бошқариш механизмларини такомиллаштиришга олиб келади.

Педагогик таълим жараёнларини замонавий ахборот технологиялари асосида самарали ташкил этиши:

- масофавий ўқув курсларини ва электрон адабиётларни яратувчи жамоага педагоглар, компьютер дастурчилар, тегишли мутахассисларнинг бирлашувини;
- педагоглар ўртасида вазифаларнинг тақсимланишини;

- таълим жараёнини ташкил қилишни такомиллаштириш ва педагогик фаолиятнинг самарадорлигини мониторинг этишни тақозо этади.

1.2. Электрон ахборот таълим ресурси ва унинг асосий ташкил этувчилари.

Замонавий ахборот технологиялари талабалар учун маълумотларни етказиш, сақлаш, қидириш каби жараёнларда катта имкониятга эга. Ҳозирда таълим муассасаларида электрон шаклда кўплаб ахборот-таълим ресурслари яратилган.

Электрон ахборот-таълим ресурси (ЭАТР) – ўрганиш ва таълим бериш учун қулай тарзда шакллантирилган, илмий жиҳатдан тизимлаштирилган, турли ёшдаги ва таълим олиш даражасидаги таълим олувчиларга мўлжалланган, маълум бир фанни ўрганиш учун мантиқий кетма-кетликда шакллантирилган электрон ахборот манбалари мажмуасидир.

Таклиф этилаётган электрон ахборот таълим ресурслари таълим олувчиларга ўрганилаётган объект устида ижодий изланиш олиб боришга, уни ўзлаштириш жараёнида юзага келувчи ўзаро боғлиқликларни тизимли ўрганишга ёрдам беради. Мазкур муҳит таълим берувчи ва таълим олувчиларга индивидуал тарзда зарур ҳолатларда ва жамоа бўлиб ишлаш имкониятини яратади.

Электрон ахборот таълим ресурсининг асосий ташкил этувчилари қуйидагилар:

- 1). Фан бўйича маъруза матни ёки назарий материаллар тўплами. Жорий этилган ёки амалдаги дарсликнинг электрон нусхаси.
- 2). Машқ ва масалалар тўплами. Таълим беришда қўйилган бирламчи талабларни бажариш учун машқ ва масалалар тўплами. Масалалар тўплами электрон вариантда фақат сидирға матн кўринишида эмас, балки уни ечиш

учун тузилган махсус амалий дастурлар кўринишида бўлиши зарур. Асосий мезон сифатида назарий жиҳатдан ёритилган ўқув материаллар билан бевосита боғлиқ масала ечими ёки таҳлили қаралади.

3). Дидактик материаллар, фан бўйича таклиф этилаётган ресурс мазмунини намойиш этувчи электрон плакатлар, виртуал кўргазма куруллари ва фанни ўрганиш учун яратилган чизиқли анимацион роликлар.

4). Дарс мавзусини тўлдирувчи қўшимча материаллар. Мазкур блок (меню)да дарслик мазмунини тўлдирувчи интерактив анимацион дастурлар, расмлар композицияси, матн кўринишдаги қўшимча материаллар жойлаштирилади.

5). Медиа файллар. Аудио, видео материаллар. Мазкур блок дарс мавзусини ёритувчи мп3 форматидаги аудиоролик, swf ёки avi форматидаги видеороликлар.

6). Глоссарий. Мазкур блокда фанни ўрганиш учун терминологик луғат жойлаштирилади.

Шу билан бирга фанни тўлдирувчи, ўрганиладиган курс доирасидаги қўшимча маълумотларни акс эттирувчи энциклопедик материаллар жойлаштирилади.

7). Фотогалерея, дарс мавзусини тўлдирувчи фото ёки фотокомпозициялар.

8). Тест. Дарсликда берилган мавзулар кесимида тест WEB форматда яратилади. Мавзунини ўрганиш тугаши билан билимларни синаб кўриш

Демак, юқоридагилар асосида электрон ахборот таълим ресурсларининг энг асосий турлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- Дарсликнинг электрон нусхаси
- Аудио ва видео дарсликлар

- Электрон кутубхоналар
- Дастурлаштирилган тестлар
- Мультимедиали маърузалар
- Электрон дарсликлар
- Фанга тааллуқли интернет саҳифалар
- Онлайн дарслар

1.4. Электрон дарслик ва унинг моҳияти

Электрон дарслик бу – компьютер технологияларига асосланган, маълум кетма-кетликда дастурий тизимлаштирилган электрон ўқув воситасидир. Электрон дарслик бир гуруҳ мутахассислар: дастурчилар, фан ўқитувчилари, таржимонлар томонидан яратилади, илмий-методик кенгаш томонидан тасдиқланади ва экспертизадан муваффақиятли ўтса, ЎзР.интеллектуал мулк агентлиги томонидан гувоҳнома(патент) берилади, оммалаштирилади.

Электрон дарслик бу–маълум кетма-кетликда тизимлаштирилган ва ноқоғоз ахборот ташувчи (СД, ДВД ва ҳ.к.) ёки интернет технологияларга асосланган ўқув курсидир.

Электрон дарсликлар тугалланган мультимедия материали ҳисобланиб, одатда муаллифлик муҳити ёрдамида маълум бир дастурлаш тилида ЪТМЛ – гиперматн форматида яратилади.

Медиа- (инг. тилида коммуникация муҳити, воситалари деган маънони билдиради)

Мультимедиа - кўп тармоқли коммуникация воситалари деган маънони билдиради **Мультимедиа** (мульти – ко`п, медиа – муьит) - бу компьютер технологиясининг турли хил кўринишга эга бўлган (матн, графика, расм, товуш, анимация, видео ва ҳ.к) ахборотдан фойдаланиш билан боғлиқ соҳасидир.

Анимация (фр.тилида жонлантириш,ҳаракатга келтириш демакдир). Масалан такдимотдаги маълумотларни анимация дастури оркали ҳаракатга келтириш мумкин

Электрон дарслик ёки электрон ўқув қўлланмаси ўзига хос кўринишдаги «**ташқи кўринишга-интерфейсга**» эга бўлади. Интерфейсинг бошқарув элементлари фойдаланувчи учун қулай бўлиши, уни матн ёки зарур мазмун билан ишлашдан чалғитмаслиги, китобни саҳифалаш учун қўлланиладиган бошқарув элементлари эса унинг ҳар бир саҳифасида бўлиши зарур.

Электрон дарсликлар қўйидиги функцияларни бажаради:

- 1.Таълим олувчига бериладиган билим даражасини ошириш, яъни фанни ўзлаштириш даражасини ошириш;
2. Миллий ахборот ресурсларини шакллантириш;
- 3.Ўқув тарбия жараёнида таълим олувчининг бошланғич ва якуний босқичдаги билим даражасини назорат қилиш;
4. Таълим беришнинг анъанавий усулларида инновацион технологияларга асосланган усулларга ўтиш.

Бундан ташқари электрон дарсликларга: педагогик талаблар, ўқув-услубий талаблар, функционал талаблар белгиланган:

Электрон дарсликларга қўйиладиган педагогик талабларга:

- Электрон дарслик амалдаги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига тўла мувофиқ бўлиши керак;
- таълим бериш жараёнида билимни ўзлаштириш даражасини ошириш учун, фан-техника ва технологиялар эришган ютуқлардан максимал фойдаланиш;

– берилиши зарур бўлган ўқув материалнинг ҳажми ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар даражасида бўлиши.

фойдаланувчи учун қулай, содда, аниқ, интуитив ва ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиши

Электрон дарсликларга қўйиладиган ўқув-услубий талабларга эса:

-таълим берувчига дарсни мустақил дарс кўринишда ўтказишга шароит яратиш, бу ҳолатда таълим берувчи маслаҳатчи ролида иштирок этиш;

-ўқитувчига таълим олувчилар ўзлаштирган билим даражасини турли хил мураккабликдаги (мураккаблик даражаси шакллантириладиган) тестлар ёрдамида назорат қилиш имкониятини бериш;

-дарсларга тайёргарликни ўқитувчига қулай усулда амалга оширишга имконият яратиш (слайд, матн, презентация, видеоматериал ва ҳ.к.) киради.

Электрон дарсликларга қўйиладиган функционал талабларга эса:

- таълим олувчининг ўзлаштириш даражасига боғлиқ ҳолда, ўтилган мавзунини қайтариш, мавзу устида ишларни индивидуал темпда амалга ошириш;

- интерактивлик-табiiй мулоқотни имитатсиялаш, яъни дарслик матни билан ўқувчи ўртасида мулоқот ўрнатиб, ўқитувчи мавжудлиги ҳиссини бериш (сўровнома, вербал, новербал овоз ва ҳ.к. ёрдамида);

Электрон дарсликларнинг қайси фан ёки соҳага йўналтирилганлигидан қатъий назар, асосий йўналиш бошланғич маълумотларни, оралиқ натижаларни визуаллаштиришга қаратилган бўлиб, бу йўналиш жорий ва якуний натижаларни кўриш имкониятини бериш билан бирга уни таҳлил этишга шароит яратади.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот

Шарқшунослик бўйича таълимий интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш

Ишдан мақсад: Шарқшунослик бўйича таълимий интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш малакасини эгаллаш
Дарс машғулотида уларни қўллай олиш техникасини ўрганиш

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва натижа олиши лозим.

Ишни бажариш учун намуна.

1-вазифа. <http://www.orientalstudies.ru/rus> (Санкт-Петербург)

<http://www.ivran.ru> (Москва) сайтлари билан танишиш, ўзимизга маъқул бўлган ахборот ҳақида аннотация тайёрлаш.

2-вазифа <https://www.hse.ru/ba/oriental/webinar> веб саҳифаси орқали вебинарлар билан танишиш ва ўзимизга маъқул бўлган вебинар ҳақида аннотация тайёрлаш.

АХБОРОТ :

Таълимий интернет ресурслари

Таълим-тарбия жараёнларини ахборотлаштиришни ривожлантириш йўналиши турли таълим ахборот ресурсларининг бирлаштирилиши орқали ахборот-таълим муҳитларини яратиш билан бевосита боғлиқ. Бундай муҳитни ташкил этишда, аввалом бор, таълим муассасаларида ахборотлаштиришни ташкил этиш, яъни барча ўқув, маъмурий ва хўжалик хизматларни, кутубхона ва бошқарув (ректорат, деканат, ўқув бўлими ва бошқ.) бўлимларини ягона тармоққа бирлаштириш, уларни ИНТЕРНЕТ тизимига чиқиш имкониятларини яратиш, таълим муассасида ўқув жараёнини назорат қилиш, ҳужжатлар электрон алманишувини ташкил этиш, ахборот технологиялари негизида махсус ўқув-методик мажмуаларни яратиш орқали талабаларнинг мустақил таълим фаолиятини ташкил этиш каби вазифаларни амалга ошириш зарур бўлади. Ҳозирда бундай вазифаларни бажаришда портал

технологияларини яратиш орқали ахборот-таълим ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш мумкин. Таълим муассасининг ягона ахборот-таълим муҳитини ривожлантиришнинг муҳим йўналиши сифатида ўқув жараёнида ахборот ва телекоммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳисобланади. Ахборотларни тизимлаштириш ахборот-таълим ресурсларидан фойдаланишни енгиллаштиради. Ахборот-таълим порталларининг яратилиши ахборотларни мантиқий тартибланиш ва тизимлаштиришга ёрдам беради.

Ўқув жараёнида ўзбек адабиёти бўйича бўйича яратилган сайтлардан фойдаланиш ўқитувчиларга:

- интернет тармоғи ёрдамида у ёки бу ўқув фанлардан тўпланган тажриба ва услубларни бошқа касбдошлари билан алмашиш;
- бир вақтнинг ўзида турли тоифадаги талабалар учун ҳар хил ўқитиш услубларини амалга ошириш орқали ўқув жараёнини индивидуаллаштириш;
- ўқув муассасалари учун яратилган сайтлардаги назорат топшириқларидан машқ сифатида фойдаланиш натижасида талабаларда фан бўйича эгалланган билимларни кўникма ва малака даражасига етказиш;
- талабаларни мустақил билим олиш жараёнини самарали ташкил этиш каби имкониятларни яратади.

Ўқув муассасалари учун яратилган сайтларнинг таълим соҳасидаги қуйидаги афзалликларини санаб ўтиш мумкин:

- фанларни ўзлаштирилишни яхшиланиши;
- тармоқ саводхонлигини ортиши (компьютер ва интернет билан мулоқот қилишдаги янгиликлар);
- ўрганишга бўлган муносабатни яхшиланиши;
- мустақил таълим ва тадқиқотлар малакасини такомиллаштириш;
- амалий малака самарадорлигини ошириш.

Шарқшунослик бўйича миллий ва хорижий таълимий веб ресурслар

Миллий ресурслар	
www.rtm.uz	www.ziyouz.uz
www.filoloji.adu.uz	www.ziyonet.uz
www. navoiy-uni.uz	www.tashgiv.uz
www.tilvaadabiyot.uz	www.e-adabiyot.uz
www.sharh.uz	www.sharqyulduzi.uz

Хорижий ресурслар	
www.iling-ran.ru	www.philology.nsc.ru
www.turcologica.org	www. turcologiya.org
www.turkportal.ru	www.orientalstudies.ru
www.turkicstudies.ru	www.magazines.ru
www.iaaw.hu-berlin.de	www.Rifma.com

Бундан ташқари ҳар бир педагог учун керакли веб сайтлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин

www.uz – миллий ахборот қидирув тизими

- **umail.uz** – миллий электрон почта хизмати
- **ziyonet.uz** – ахборот таълим тармоғи
- **uforum.uz** – муҳокама веб портали
- **edu.uz** – Ўзбекистон таълим портали
- **ccitt.uz** - Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги портали
- **mtrk.uz** – миллий телерадиокомпания веб сайти
-

**2-мавзу: Шарқ филология бўйича яратилган
мультимедияли электрон нашрлар.**

Ишдан мақсад: Шарқ филологияси бўйича мультимедияли электрон ўқув қўлланмалари ва дарсликларни интернет саҳифаларидан қидиришни ва

улар билан ишлаш малакасини ўрганиш. Дарс машғулотида уларни қўллай олиш техникасини эгаллаш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва натижа олиши лозим.

Ишни бажариш учун намуна.

1-вазифа. Интернетдан Шарқ филологияси бўйича керакли электрон ўқув қўлланма, маъруза ёки дарсликни излаб топиш.

2-вазифа. Ўз амалий ёки маъруза машғулотингиз бўйича 10 дақиқалик **видео маъруза** тайёрлаш.



V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Ўқитувчи-кейсологнинг кейс ечими бўйича варианты:

Чет тилларидан хабардор журналист сифатида бош мухаррирга психологик таъсир кўрсатиб, Голливуд юлдузидан ажойиб суҳбатни олади.

Тингловчи:

Асосий муаммони ажратиб олиш

Ғоялар

Тўғри қабул қилинган ғоялар

Кейс ечими

Кейс ечими бўйича таклифлар

Вазият 2. Талабалардан бир йигит гуруҳдош қизга мактуб жўнатди. Мактубда унга бўлган ҳиссиётларини баён этиб, уни учрашувга таклиф этганлиги баён этилган эди. Қиз бу мактубни олгач уйларига бориб бувисига кўрсатди. Бувиси мактубни ўқиғач гуруҳ раҳбарга телефон қилиб, бўлиб ўтган воқеани тушунтирди ва шу йигитнинг ота-онасини чақиртириб жазо кўриш кераклигини талаб этди. Гуруҳ раҳбари вазиятни юмшатиш учун қизнинг бувисига керакли чора кўришини айтиб тинчлантирди. Орадан бир кун ўтиб қизнинг бувиси яна телефон қилди ва қайта йигитнинг ота-онасини чақиртириш кераклигини таъкидлади. Бу вазиятда синф раҳбари сифатида қандай йўл тутар эдингиз? Жавобингизни педагогик нуқтаи назардан асосланг.

Кейс аннотацияси. Бевосита объектда олиб бориладиган сюжетли, ўтмиш ва бугунги кунни боғлаш асосидаги, топшириқ тарзидаги, босма ҳамда ҳикоя кейс ифодаланган.

Услубий кўрсатма:

- 1) Тингловчи аниқ вазиятни топиши;
- 2) Тингловчи асосий муаммони топиши;
- 3) Ғоялар йиғиши;
- 4) Тўғри қабул қилинган ғояларни излаши;
- 5) Тўғри қабул қилинган ғоялар асосида кейс ечимини топиши;
- 6) Кейс ечими бўйича тавсиялар бериши керак.

Ўқитувчи-кейсологнинг кейс ечими бўйича варианты:

- Гуруҳ мураббийси сифатида ҳар бир ўқувчи билан индивидуал ишлаш, уларнинг ҳиссиётларини ҳурмат қилиш ҳамда қизнинг бувисига гаплашгани тўғрисида ахборот бериш.

Тингловчи:

Асосий муаммони ажратиб олиш

Ғоялар

Тўғри қабул қилинган ғоялар

Кейс ечими

Кейс ечими бўйича таклифлар

Вазият 3. Иккинчи босқич талабаси Абдулазиз бирданига ўқишни ташлаб кетмоқчи бўлиб қолди. Уста бу ҳақда Абдулазиз билан суҳбатлашди ва у аста-секин устанинг ҳақ эканлигига ишона бошлади. Шундан сўнг, Абдулазиз ўқишдан анчагина яхши ишлар, бошлаб қўйган дўстларидан ажралмаслик учун ўқишдан кетмасликка қарор қилди. Устанинг педагогик маҳорати нимадан иборат?

Кейс аннотацияси. Ўтмиш ва бугунги кунни боғлаш асосидаги, саволли, , босма ҳамда кўп объектли, ҳикоя кейс ифодаланган.

Услубий кўрсатма:

- 1) Тингловчи аниқ вазиятни топиши;

- 2) Тингловчи асосий муаммони топиши;
- 3) Ғоялар йиғиши;
- 4) Тўғри қабул қилинган ғояларни излаши;
- 5) Тўғри қабул қилинган ғоялар асосида кейс ечимини топиши;
- 6) Кейс ечими бўйича тавсиялар бериши керак.

Ўқитувчи-кейсологнинг кейс ечими бўйича варианты:

- Устанинг педагогик маҳорати юксак даражада. Чунки у ўз шогирдини тўғри йўлга йўналтира олди.

Тингловчи:

Асосий муаммони ажратиб олиш

Ғоялар

Тўғри қабул қилинган ғоялар

Кейс ечими

Кейс ечими бўйича таклифлар

Вазият 4. Ота-оналар мажлисига келган Абдулазизнинг отаси Азиз ака гуруҳ мураббийига: “Мени фақат 10 дақиқа вақтим бор, холос. Хўш, мени ўғлим дарсга вақтида келаяптими? Безорилик қилмаяптими? Икки баҳолари йўқми?”, деб сўради ва мураббий билан хайрлашди. Гуруҳ мураббийси ҳайрон бўлди ва ўзича: “Нимага камдан-кам ота-оналар ўғли касбини севадими? Ўртоқлари уни ҳурмат қиладими? Унинг ўзи хушмуомалами?” – каби саволлар бермайдилар деб кўнглидан ўтказди. Гуруҳ мураббийсининг ҳайрон бўлишини сиз қандай баҳолайсиз?

Кейс аннотацияси. Ўтмиш ва бугунги кунни боғлаш асосидаги, саволли, топширқ тазидаи, муаммо, ечим ёки концепцияни изоҳлашга қаратилган ҳамда кўп объектли кейс ифодаланган.

Услубий кўрсатма:

- 1) Тингловчи аниқ вазиятни топиши;
- 2) Тингловчи асосий муаммони топиши;
- 3) Ғоялар йиғиши;
- 4) Тўғри қабул қилинган ғояларни излаши;
- 5) Тўғри қабул қилинган ғоялар асосида кейс ечимини топиши;
- 6) Кейс ечими бўйича тавсиялар бериши керак.

Ўқитувчи-кейсологнинг кейс ечими бўйича варианты:

- Гуруҳ мураббийси ўқувчиларининг келажакдаги касб танлашидаги ҳолатини таҳлил қилишни, унинг шахслараро муносабатини отага тушунтириши лозим..

Тингловчи:

Асосий муаммони ажратиб олиш

Ғоялар

Тўғри қабул қилинган ғоялар

Кейс ечими

Кейс ечими бўйича таклифлар

Вазият 5. Бир савдогар араб халифаси Хорун ал Рашидга жуда чиройли салла тортиқ қилди. Аҳоли ҳақиқатгўй деб номлаган халифа савдогарга 200 рупия беришни кўрсатиб хазиначига хат ёзди. Лекин хазиначи пулни беришни чўза бошлади. Шундан сўнг савдогар арз билан халифа олдига жўнади ва

хазиначи унга ажратилган пулни бермаётганлигини баёт этди. Хорун ал Рашид бундай вазиятда нима қилиши керак?

Кейс аннотацияси. Бевосита объектда олиб бориладиган, саволли, босма ҳамда ҳикоя кейс ифодаланган.

Услубий кўрсатма:

- 1) Тингловчи аниқ вазиятни топиши;
- 2) Тингловчи асосий муаммони топиши;
- 3) Ғоялар йиғиши;
- 4) Тўғри қабул қилинган ғояларни излаши;
- 5) Тўғри қабул қилинган ғоялар асосида кейс ечимини топиши;
- 6) Кейс ечими бўйича тавсиялар бериши керак.

Ўқитувчи-кейсологнинг кейс ечими бўйича варианти:

- Хорун ал Рашид савдогарнинг ички дунёсини баҳоламоқчи бўлган эди.

Тингловчи:

Асосий муаммони ажратиб олиш

Ғоялар

Тўғри қабул қилинган ғоялар

Кейс ечими

Кейс ечими бўйича таклифлар

Вазият 6. Азиз исмли ўқувчи мустақил иш учун берилган детал яшаш вазифасини тез ва сифатли қилиб бажарди. Бундан ўзи ҳам хурсанд бўлди. Ишлаб чиқариш таълими устаси унга эътибор бермади. Бундан Азизнинг кайфияти бузилди. Ахир у бошқаларга ўзининг яхши ишлай олишини кўрсатиб қўймоқчи эди-ку?! Бирданига бундай бефарқлик. Устанинг хатти-харакатини психологик нуқтаи назаридан баҳоланг.

Кейс аннотацияси. Бевосита объектда олиб бориладиган, ўтмиш ва бугунги кунни боғлаш асосидаги, топшириқ тарзидаги, муаммо, ечим ёки концепцияни изоҳлашга қаратилган ҳамда эссе кейс ифодаланган.

Услубий кўрсатма:

- 1) Тингловчи аниқ вазиятни топиши;
- 2) Тингловчи асосий муаммони топиши;
- 3) Ғоялар йиғиши;
- 4) Тўғри қабул қилинган ғояларни излаши;
- 5) Тўғри қабул қилинган ғоялар асосида кейс ечимини топиши;
- 6) Кейс ечими бўйича тавсиялар бериши керак.

Ўқитувчи-кейсологнинг кейс ечими бўйича варианты:

- Уста ўз шогирдини янада мукамал ишлашини хоҳлаган эди. Мақтанчоқлик билан бирор ишни самарасига эришиб бўлмайди.

Тингловчи:

Асосий муаммони ажратиб олиш

Ғоялар

Тўғри қабул қилинган ғоялар

Кейс ечими

Кейс ечими бўйича таклифлар

VI. GLOSSARIY

<p>Анимация– мультимедиали технология; тасвирнинг ҳаракатланаётганлигини ифодалаш учун тасвирларнинг кетма-кет намоёиши.</p>
<p>Аудиоиловалар. Товушли файлларни ўқувчи қурилмалар – рақамли товушлар билан ишловчи дастурлар.</p>
<p>Администратор – электрон ахборот-таълим ресурсларини мослаштириш ва бошқариш учун кенг ҳуқуқларга эга бўлган мутахассис.</p>
<p>Анимация – динамик ва овозли жараёнларни ифодалашга имконият берадиган график ахборотларни ташкил этиш усули.</p>
<p>Аудиоанжуман – тармоқ технологияси тизими ва телефондан фойдаланган ҳолда турли географик нуқталарда жойлашган бир қанча шахсларнинг маълумотларни овозли – рақамли кўринишда алмашилиш жараёни.</p>
<p>Ахборот – (лат. Информатио– тушунтириш, баён қилиш) – шартли белгилар ёрдамида шахслар, предметлар, далиллар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар ҳақида, уларни тасвирлаш шаклидан қатъий назар узатиладиган ва сақланадиган маълумотлар.</p>
<p>Броузер – интернет билан ишлашни таъминлайдиган дастур.</p>
<p>Веб учун иловалар – бу алоҳида веб-саҳифалар, унинг таркибий қисмлари (меню, навигация в.б.), маълумот узатиш учун иловалар, кўп каналли иловалар, чатлар ва бошқалар.</p>
<p>Вебкамера - компьютерлараро видеотасвирларни узатувчи қурилмадир.</p>
<p>Видеоанжуман – турли географик манзиллардаги фойдаланувчи гуруҳлари орасида рақамли видеоёзув ёки оқимли видео кўринишида маълумотларни алмашилиш асосида йиғилиш ва мунозаралар ўтказиш жараёни.</p>
<p>Видеоиловалар – ҳаракатланувчи тасвирлар ишлаб чиқиш технологияси ва намоёиши.</p>

Виртуал аудитория – ўқув жараёнининг ўқитувчиси ва бошқарувчисининг маслаҳатини олиш учун тармоқ технологияси ёрдамида турли географик жойларда яшаётган талабаларни бирлаштириш.

Виртуал лаборатория – ўрганилаётган ҳақиқий объектларда бўлаётган жараёнларни компьютер имитацияси орқали тақдим этиш ва масофавий кириш имкониятига эга бўлган дастурий мажмуа.

Виртуал (воқеълик)ҳақиқийлик – ўрганишга мўлжалланган мураккаб жараёнларда бўладиган ҳодисаларни аудиовидео тизими орқали ўқувчи тасавуридаги мавҳум кўриниши.

Гиперматн – ассоциатив боғланган блоклар кўринишида тақдим этилган (бошқаматнли ҳужжатларга йўл кўрсатувчи) матн.

Гиперматнли тизим – электрон ҳужжатлар кутубхонасини яратишни таъминлайдиган восита.

Гипермедиа – матндан ташқари мультимедиа имкониятларини ҳам ўзида мужассамлаштирган маълумотларга йўл кўрсатувчи ҳужжатлар.

Гипермуружаат – тагига чизилган ёки қандайдир бошқа усулда ажратиб кўрсатилган сўз ёки жумла бўлиб, гиперматнли тизимнинг бошқа блок, ҳужжат, гипермуҳит саҳифаси, гиперматнни кўрсатиш имкониятини беради.

Гипермуҳит – бир-бири билан ассоциатив боғланган нисбатан катта бўлмаган блоклар кўринишидаги ахборотнинг ихтиёрий кўринишини тақдим этган технология.

Глобал тармоқ – минтақавий (қитъалардаги) компьютерларни ўзида бирлаштириш имконига эга бўлган тармоқ.

График муҳаррир – тасвирларни тахрир қилишни таъминлайдиган амалий дастур.

Дидактик воситалар – ўқув фанини ўзлаштириш самарадорлигини оширувчи педагогик воситалар.

Дидактик материал – фойдаланилганда ўқувчиларнинг билим олишини фаоллаштириш, ўқув вақтини иқтисод қилишни таъминлайдиган ўқув машғулоти учун мўлжалланган қўлланмаларнинг махсус кўриниши.

Дидактик тамойиллар – натижавийликни таъминлайдиган таълим жараёнига қўйилган энг умумий талаблар тизими.

Дизайн – ўқув материални ифодалаш (тавсифлаш, намоиш) усули.

Дифференциаллашган таълим - ўқувчиларнинг мойиллиги, қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда ўқув фаолиятни ташкил этиш шакли.

Жараён - қўйилган мақсадга эришиш учун йўналтирилган амаллар йиғиндиси.

Индивидуал (яккама-якка тартибда) масофавий ўқитиш - телекоммуникация ва таълимни таъминлаш учун зарур дастурий воситаларига эга бўлган масофавий ўқитиш.

Интерактив ўзаро алоқа – электрон почта, эълонлар электрон доскаси, онлайн мавзули муҳокамалар, чат, аудиоанжуман, видеоанжуман, маълумотлар ва файллар билан алмашилиш, умумий тармоқ иловаси ва бошқаларни ўз ичига олган компьютер билан ўзаро алоқа қилиш, «инсон-машина» мулоқоти.

Интерактив ўқув курслари – ўзаро мулоқот асосига қурилган воситалардан фойдаланиб тузилган курслар.

Интернет – ягона стандарт асосида фаолият кўрсатувчи жаҳон глобал компьютер тармоғи. **интернет орқали ўқитиш** – ўқув-ахборот манбалари ва интернет компьютер тармоғи орқали ўзаро бир-бирлари билан боғланган реал вақтдаги ўқитиш.

Интернетга уланиш – интернет каналлари орқали ахборот ресурсларидан фойдаланиш (очиш, кўриб чиқиш, нусхалаш, узатиш ва бошқалар) имкониятига эга бўлган компьютернинг ишлаш тартиби. **интернет-дарслик** – маълум фан бўйича ягона интерфейс билан таъминланган, интернетга жойлаштирилган, доимий равишда ривожланадиган ўқув-методик мажмуа.

Интернетнинг ахборотли қисми – интернет тармоғида мавжуд бўлган турли электрон хужжат, график, расм, аудио, видео ва бошқа кўринишидаги ахборотлар мажмуи.

Интернетнинг дастурий таъминоти – тармоққа уланган компьютерлар ва тармоқ воситаларини ягона стандарт асосида ишлаши, алоқа каналлари ёрдамида маълумотларни қидириш, қайта ишлаш, сақлаш ҳамда тармоқда ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ вазифаларини амалга оширувчи дастурлар мажмуи.

Интернетнинг техник таъминоти – турли русумдаги компьютерлар, алоқа каналлари, тармоқ техник воситалари мажмуи.

Интранет – интернетнинг кўпгина функционал имкониятларига эга бўлган ташкилот ёки таълим муассасасининг ички тармоғи. Интранет интернетга уланган бўлиши ҳам мумкин. **Компьютер дарслик** – ўқув фани ёки унинг бўлимини мустақил ўзлаштириш имкониятини таъминлайдиган дастурий-методик мажмуа. Компьютер дарслиги ўзида оддий дарслик, маълумотнома, масалалар ва мисоллар тўплами, лаборатория амалиётларининг хусусиятларини бирлаштиради.

Карнай- овоз (муסיқа, овоз ва бошқалар)ни чиқариб берадиган қурилма.

Кейс-технология – масофавий ўқитишни ташкил қилишнинг шундай услубики, масофавий таълимда матнли, аудиовизуал ва мультимедиали (кейс) ўқув услубий материаллар мажмуаси қўлланишга асосланади.

Контент – курснинг барча ўқув материаллари, қўлланмалари, хужжатлари, вазифалари, тестлар ва назорат метериалларини қамраб олувчи курс мазмуни.

Курс якунида ўтказиладиган тест – билимларни ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш мақсадида курс ўрганилиб бўлгандан кейин ўтказиладиган тест синови.

Курсни индивидуаллаштириш – ҳар бир талабанинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқув материалларини тайёрлаш жараёни.

Курсни ўрганиш йўли (траекторияси) – курснинг ўқувчини тайёргарлик даражасига боғлиқ равишда аниқланадиган ва ўқув жараёнига тадбиқ қилинадиган модуллари тузилиши ва тартиби.

Модем- модуляция, демодуляция сўзларидан олинган бўлиб, узлуксиз сигналларни рақамли (модуляция) ва рақамли маълумотларни узлуксиз (демодуляция) сигналга алмаштириб берадиган қурилмадир.

Масофавий таълим (МТ) – таълимни масофавий ўқитиш усул ва воситалари орқали ташкил қилиш шакли.

Масофавий таълим маркази – таълим жараёнининг бошқарув, ўқув-методик, ахборот ва техник таъминотини амалга оширадиган алоҳида бўлим ёки ваколатхона.

Масофавий таълим муассасаси – масофавий технологиялар асосида ўқув жараёнини амалга оширадиган таълим муассасаси.

Масофавий таълим тизими (МТТ) – масофавий технологияларни қўллаб масофавий таълимни ташкил этиш ва амалга оширишга жалб қилинган ўқув-тарбиявий, ташкилий, телекоммуникация, педагогик ва илмий манбалар мажмуаси.

Масофавий ўқитиш – ахборот - коммуникация технологияси (компьютерлар, телекоммуникациялар, мультимедиа воситалари)га асосланган, тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида ташкиллаштирилган таълим шакли.

Масофавий ўқитишнинг ахборот-таълим муҳити – маълумот, ахборот ресурслари, ўзаро алоқа баённомалари, дастурий ва ташкилий–методик таъминотларни узатиш мажмуи бўлиб, фойдаланувчиларни таълим эҳтиёжларини қаноатлантиришга мўлжалланган.

Масофавий ўқитишнинг дастурий таъминоти – масофавий ўқитишни таъминловчи дастурий воситалар ва платформалар.

Масофавий ўқитишнинг техник воситалари – масофавий ўқитишнинг ахборот-таълим муҳотида ўқув материалларни тақдим этиш учун фойдаланиладиган техник таъминоти.

Масофавий ўқитишнинг ўқув-методик таъминоти – масофавий ўқитишни дидактик ва психологик талаблари асосида шакллантирилган ахборот-таълим ресурслари, уларни бошқариш тизими, масофавий ўқитиш методлари, тестлар ва тавсиялар мажмуи.

Масофавий таълим – масофадан туриб ўқув ахборотларини алмашувчи воситаларга асосланган, ўқитувчи махсус ахборот муҳит ёрдамида, аҳолининг барча қатламлари ва чет эллик таълим олувчиларга таълим хизматларини кўрсатувчи таълим мажмуасидир

Маълумотлар базаси – реал объект ва унинг қисмлари ҳақидаги тизимлашган маълумотлар тўплами.

Маълумотлар банки – маълумотларни йиғиш, сақлаш, излаш ва қайта ишлашни таъминлайдиган ахборот, техник, дастурий ва ташкилий воситалар мажмуи.

Методик таъминот – курсни ўрганишга қаратилган турли ахборот ташувчилардаги ўқув материаллар, методик тавсиялар ва маслаҳатлар.

Микрофон - турли хил овозли анимация ва презентациялар тайёрлаш учун ишлатилади.

Мулоқот воситалари – телекоммуникация (интернет) орқали мулоқотни таъминлаш воситалари.

Мультимедиа – ахборотни (матн, расм, анимация, аудио, видео) ифодалашнинг кўп имкониятли тақдим этилиши.

Мультимедиа (мульти – ко`п, медиа – муьит) - бу компьютер технологиясининг турли хил физик кўринишга эга бўлган (матн, графика, расм, товуш, анимация, видео ва ҳ.к) турли хил ташувчиларда (оптик диск,

флеш хотира ва ҳ.к.) мавжуд бўлган ахборотдан фойдаланиш билан боғлиқ соҳасидир.

Мультимедиа воситалари - бу аппарат ва дастурлар тўплами бўлиб, у инсонга ўзи учун табиий бўлган жуда турли-туман муҳитларни: товуш, видео, графика, матнлар, анимацияларни ишлатган ҳолда компьютер билан мулоқот қилиш имконини беради.

Мультимедиа компьютер- бу мультимедиа технологиясини амалга ошириш учун махсус аппарат ва дастурий воситалар билан таъминланган шахсий компьютердир.

Мультимедиа қурилмалари- бу шахсий компьютернинг бевосита товуш, графика ва видеоахборотлар билан ишлайдиган қурилмалардир.

Мультимедиа маҳсулоти – таркибида мусиқа тараладиган, видеоклиплар, анимация, расмлар ва слайдлар галереяси, турли маълумотлар базалари ва бошқалар кириши мумкин бўлган интерфаол, компьютерда ишланган маҳсулотдир .

Мультимедиа-галереялар – товуш жўрлигидаги ҳаракатланувчи суратлар тўплами.

Мультимедиа дали дарсликлар – мультимедиа технологияси ёрдамида ахборот-таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирувчи дарслик.

Мультимедиа дали технология- бир вақтнинг ўзида маълумот тақдим этишнинг бир неча усуллари билан фойдаланишга имкон беради: матн, графика, анимация, видеотасвир, товуш в.х.

Моодле тизими - веб муҳитида ўқитиш ва онлайн режимдаги дарсларни ташкил қилувчи кучли педагогик дастурий мажмуа ҳисобланади. Ҳозирги вақтда дунёнинг аксарият таълим муассасалари ўз масофавий таълим тизимларини ташкил этишда Моодле дастурий мажмуасини жорий этмоқдалар.

Он-лине машғулот – барча қатнашувчи (талабалар ва ўқитувчи)лар интернет орқали ахборот алмашиниш йўли билан ўзаро алоқа қиладиган ўқув машғулоти кўриниши. **Он-лине муҳокама** – электрон доскаларда бирор мавзуни айни вақтдаги муҳокамаси. **Он-лине ўқиш** – интернет технологияларига асосланган таълим муҳитидан фойдаланиб ўқув материалларини ўрганиш жараёнини ташкил этиш усули.

ОООК- Оммавий очик онлайн курслар

Оралиқ тест синови – таълим жараёнида билимларни назорат қилиш шакли.

Педагогик ахборот технологиялари – компьютер, тармоқ технологияси ва дидактик воситаларни фойдаланишга асосланган технологиялар.

Провайдер (провидер) - компьютерларнинг тармоққа уланиш ва ахборот алмашишини ташкил қиладиган ташкилот.

Сайт - графика ва мултимедия элементлари жойлаштирилган гипермедия хужжатлари кўринишидаги мантиқан бутун ахборот.

Сервер – ахборот-таълим ресурсларини тармоқда жойлаштириш ва уни тарқатиш учун мўлжалланган компьютер қурилмалари мажмуи.

Сервер (сервер) - маълумотларни ўзида сақловчи, фойдаланувчиларга хизмат кўрсатувчи, тармоқдаги принтер, ташқи хотира, маълумотлар омбори каби ресурслардан фойдаланишни бошқарувчи компьютер.

Сунъий интеллект (артифисал интеллигенсе) - инсон интеллектининг баъзи хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган автоматик ва автоматлаштирилган тизимлар мажмауси.

Такдимот/презентациялар (инг. пресентатион) – аудиовизуал воситалардан фойдаланиб кўргазмали шаклда маълумот такдим этиш шакли.

Таълим жараёнини масофавий ўқитиш технологияси – замонавий ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўқув жараёнини масофадан туриб таъминлайдиган ўқитиш усули ва воситалари ҳамда ўқув жараёнларини бошқариш мажмуи.

Таълим мақсади – тизимлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш, фаоллик ва мустақилликни ривожлантириш, бутун дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантириш.

Таълимнинг компьютер технологияси - компьютер техникаси, коммуникация воситалари, шунингдек, ахборотларни ифодалаш, узатиш ва йиғиш, билиш фаолиятини назорат қилиш ва бошқаришни ташкил этиш бўйича ўқитувчининг вазифаларини моделлаштирувчи интерактив дастурий маҳсулотлар асосида педагогик шаротини яратишнинг метод, шакл ва воситалари мажмуи.

Телеанжуман – турли географик жойлаштирилган икки ва кўпроқ фойдаланувчилар гуруҳларини ўқитиш мақсадида тв-технологиялари орқали ахборотлар алмашиниш шакли.

Тизим (сйстем) - ягона мақсад йўлида бир вақтнинг ўзида ҳам яхлит, ҳам ўзаро боғланган тарзда фаолият кўрсатадиган бир неча турдаги элементлар мажмуаси.

Тьютор - аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларнинг алоҳида турларини ўтказиб, ўқувчиларнинг мустақил ишлашларига раҳбарлик қиладиган, ўқувчилар томонидан ўқув режасини бажарганликлари ҳамда ўқув материални ўзлаштирганликларини назорат қилувчи ўқитувчи – маслаҳатчи.

Ўқитишнинг виртуал муҳити - таълим жараёнининг барча иштирокчилари орасида интерактив алоқани таъминлайдиган махсус ўзаро алоқадор ва доимий янгиланиб туриладиган ўқитиш воситаларининг мажмуасини ташкил этувчи очиқ тизим.

Ўқув материалларни сақлаш технологиялари – ўқув материалларини ахборот ташувчиларда: чоп этилган маҳсулот, аудио ва видеокасеталар, дискеталар, дисклар, фтр ва www- серверларда сақлаш восита ва методлари мажмуи.

Фойдаланувчи интерфейси – фойдаланувчини тизим ёки тармоқ билан ўзаро таъсирини аниқлайдиган шакл.

Фойдаланувчиларни қайд этиш – ахборот-таълим ресурсларига кириш ҳуқуқини олиш учун фойдаланувчи ҳақидаги маълумотларни киритиш жараёни.

Форум – сайт орқали мулоқот қилиш шакли. Форумдаги ахборотларнинг ҳар бири муаллифи, мавзуи ва ўзининг мазмунига эгадир.

Чат – ахборот алмашиш реал вақтда олиб бориладиган интернетдаги мулоқот.

Эксперт тизимлар - хулоса чиқариш қоида ва механизмлари йиғиндисига эга бўлган билимлар омборини ўз ичига олган сунъий интеллект тизими.

Электрон алоқа - ахборот тармоқлари орқали фойдаланувчиларга хатларни етказишни таъминлашнинг муҳим тармоқли кўриниши.

Электрон алоқа – компьютер тармоқлари орқали фойдаланувчиларга маълумотларни етказиб бериш.

Электрон алоқа (електроник маил) - компьютер тармоғида маълумотларни сақлаш ва уларни фойдаланувчилар орасида ўзаро алмашишини таъминлайдиган тизим. Интернетда телефон тармоғи орқали фойдаланувчилар орасида маълумот алмашиш имконини беради, маълумот матн ёки файл кўринишида бўлиши мумкин.

Электрон дарслик – компьютер технологияларига асосланган ўқитиш методларидан фойдаланишга мўлжалланган ўқитиш воситаси.

Электрон жадвал - номланган сатр ва устун кўринишидаги тартибланган ва турли типдаги ахборотларни қайта ишлайдиган дастур.

Электрон кутубхона – электрон ахборот-таълим ресурслари мажмуаси.

Электрон почта – компьютер тармоқлари асосида фойдаланувчилар ўртасида электрон шаклдаги матн, тасвир, овоз, видео ва бошқа ахборотларни узатувчи ва қабул қилувчи восита.

Электрон ўқув кўлланма - бу давлат таълим стандартининг мутахассислик ва йуналишлар бўйича фанларнинг алоҳида муҳимроқ бўлимлари бўйича тайёрланган электрон нашрлар, намунавий ва ишчи режалар, шунингдек, машқлар ва масалалар тўпламлари, харита ва схемалар альбомлари, тузилма атласлари, фанлар бўйича хрестоматиялар, диплом лойиҳаси бўйича кўрсатмалар, маълумотномалар акс этган электрон манбадир.

Электрон университетлар – бу Интернетдан фойдаланган ҳолда таълимнинг янги технология ва шакли.

VII. ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Адабиётга эътибор-маънавиятга, келажакка эътибор. – Т.: Ўзбекистон, 2009
2. Гутиеррез Мартин, А. (1996) эдусасион Мултимедиа й Нуевас Теснологиас. Мадрид. эдисионес де ла Торре, п.12.
3. Женнингс Брянт, Сусан Тъомпсон,Бруссе W.Фундаменталс оф Медиа эффесц: Сесонд эдितिон. 2013.-р. 22
4. Медиаобразование//Российская педагогическая энциклопедия. Т.1/Гл. ред. В.В.Давыдов. — М.: Большая российская энциклопедия, 1993. — С. 555.
5. Федоров А.В. Медиаобразование: история, теория и методика. — Ростов: ЦВВР, 2001. — 708 с.
6. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. Т.: Шарқ , 2007.
7. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. Т.: Шарқ , 2004
8. З. Р.Ю.Ахатова, Т.А.Худайбергенов «Технология создания электронных учебников». Методические указания для выполнения практических работ. – Алокачи, 2015
9. 4. Н.Қосимова Медиясаводхонлик ва медиатаълим: Моҳият ьттип://триф.уз
- 10.Р.Ю.Ахатова, Т.А.Худайбергенов «Технология создания электронных учебников». Методические указания для выполнения практических работ. – Алокачи, 2015
- 11.Абдуқодиров А. А. ва бошқ. Ахборот технологиялари //АЛ ва КХК учун дарслик.- Т.:Ўқитувчи, 2003.- 148 б.
- 12.Рахмонов Ҳ. Ш. Электрон дарсликларни яратиш концепцияси ҳақида.- Бухоро: БДУ, 2003. – 36 б.
- 13.1. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. Т.: Шарқ , 2007.
- 14.2. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. Т.: Шарқ , 2004

15.3. Р.Ю.Ахатова, Т.А.Худайбергенов «Технология создания электронных учебников». Методические указания для выполнения практических работ. – Алокачи, 2015

16.4. Н.Қосимова Медиясаводхонлик ва медиатаълим: Моҳият [ўтти:](http://триф.уз)
[//триф.уз](http://триф.уз)